

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

89 **Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329*

(2012 йил 2 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 561-модда) мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
бош директори**

Ҳ. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 1 февраль,
2-ю-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 1 февраль,
7-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2012 йил
1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарорига
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар
(уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан
фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 561-модда) мувофиқ, мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январдан мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) абонент рақа-

мидан фойдаланганлик учун тўловни (бундан буён матнда тўлов деб юри-тилади) мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлайдилар.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

абонент рақами — абонентга мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш даврида уяли алоқа компанияси то-монидан ажратиладиган рақам;

мобиль алоқа абоненти — уяли алоқа компанияси билан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузган жисмоний ёки юридик шахс;

мобиль алоқа хизматлари — мобиль алоқа тармоқлари орқали сиг-налларни ва ахборотнинг бошқа турларини қабул қилиш, узатиш, уларга иш-лов бериш бўйича мобиль алоқа оператори фаолиятининг маҳсулоти.

II. Тўловчи ва тўлов объекти

3. Тўловларни тўловчилар мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юри-дик шахслар (уяли алоқа компаниялари) ҳисобланади.

4. Тўловнинг объекти бўлиб, уяли алоқа компаниялари томонидан мо-биль алоқа абонентларига ажратилган абонент рақамлари ҳисобланади.

III. Тўлов миқдори ва уни ҳисоблаш

5. Тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

6. Тўлов ҳар бир абонент рақами учун амалга оширилади. Абонент рақамларининг сони тўлов амалга ошириладиган ойнинг охирги санаси ҳолатига кўра аниқланади.

7. Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов суммаси юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I))-сон 145-моддасига мувофиқ че-гириб ташланади.

IV. Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўловни амалга ошириш муддатлари

8. Ҳисобот даври бўлиб бир ой ҳисобланади.

9. Тўловнинг ҳисоб-китоби (бундан кейин матнда Ҳисоб-китоб деб юри-тилади) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига ҳар ойда (ўсиб бормайдиган яқун бўйича) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тўловчи (компаниянинг бош ташкилоти) томонидан тақдим этилади.

10. Тўловни амалга ошириш тўловчи (компаниянинг бош ташкилоти) томонидан Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

11. Тўлов суммаси ягона 23411 ҳисоб рақамига ўтказилади ва бир вақтининг ўзида Давлат бюджети ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади.

12. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тўловдан келиб тушган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция дастурларини молиялаштириш учун қатъий фойдаланилади.

13. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг ҳисобланган ва тўланган суммалари тўғрисидаги йиғма ахборотни ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-санасидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

V. Тўловни тўғри ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш учун жавобгарлик ҳамда унинг назорати

14. Тўловчилар тўловнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

15. Тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан пеня ҳисобланади ҳамда тўлиқ миқдорда Давлат бюджетига ундирилади.

16. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ текширувларини ўтказиш давомида абонент рақамларининг миқдорини камайтириш ҳолатлари аниқланганда уларнинг ҳақиқий миқдоридан келиб чиққан ҳолда қўшимча тўлов ва пеня ҳисоблашга ҳақли.

VI. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2012 йил 25 январь

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатадиган
 юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари)
 томонидан абонент рақамидан фойдаланган-
 лик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 1-ИЛОВА

(юридик шахснинг номи)

**20 ____ йил _____ ой учун
 абонент рақамидан фойдаланганлик учун
 ТЎЛОВ ҲИСОБ-КИТОБИ**

Абонент рақамларининг сони (бирл.)*	Белгиланган тўлов миқдори (сўм)	Тўлов суммаси (минг сўм)

* Абонент рақамларининг сони тўлов амалга ошириладиган ойнинг охири санаси ҳолатига кўра аниқланади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатадиган
 юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари)
 томонидан абонент рақамидан фойдаланган-
 лик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

**20 ____ йил _____ ой учун
 абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг
 ҳисобланган ва тўланган суммалари тўғрисида
 ЙИФМА АХБОРОТ**

Т/р	Юридик шахснинг номи	Абонент рақамларининг сони (бирл.)	Тўлов суммаси (минг сўм)	
			ҳисобланган	ҳақиқатан тўланган

Раҳбар _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.